

Э.Х. БОБОМУРОВ

ҲАЁТ ЙЎЛИМ

Проф. З.У. Чориев таҳририда

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2004

87.3(59)6

Чуқурроқ фикр юритилса, ҳар бир инсоннинг босиб ўтган ҳаёт йўли ва фаолияти бопқалар учун ҳаёт мактабига айланиши ҳам мумкин. Бундай ҳаёт мактабини яратган инсонлар кўплаб топилади. Улар бизлар билан ёнма-ён яшайдилар ва ҳар бир дақиқада ўрناق бўларли из қолдирадилар.

Шундай инсонлардан бири заҳматкаш файласуф олим Эркин Бомуродовдир. Қадим Сурхон воҳасида туғилиб, униб-ўсган олимнинг ҳаёт йўли ва фаолияти ёритилган мазкур рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, ўқувчида чуқур таассурот қолдиришига ишонамиз.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Фалсафа фанлари номзоди, доцент Х.Худойбердиев
Фалсафа фанлари номзоди Ж.Жумаев


W 31201
00
01

ISBN 5-648-03131-9

© Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» нашриёти, 2004 йил.

Нашриёт рақами 3-930. Босишга рухсат этилди 15.12.04.
Қоғоз бичими 60x84^{1/16}. Таймс гарнитура. Офсет босма.
Офсет қоғоз. Шартли босма 2,5 т.
Ҳисоб-нашриёти 2,3 т. Адади 300 нусха. 68-буюртма.
Келишилган ваҳра.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, акад. Я. Ғуломов кўчаси, 70.
ЎзР ФААК босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, И. Мўминов кўчаси 13-уй.



Сурхон воҳасининг жуда кўп бетакрор ва ноёб бойликлари, нозу неъматлари бор. Лекин бу юртининг бахту саодатини таъминлаш йўлида тинимсиз меҳнат қилаётган инсонлар алоҳида эътибор ва ҳурматга сазовор.

И.А.КАРИМОВ

СЎЗ БОШИ

Ушбу китобча орқали Сиз бугунги кунда 60 ёшни нишонлаётган зиёли Термиз давлат университетининг профессори, мураббийи ва жўшқин педагог Эркин Бобомуродовнинг ҳаёт йўли билан танишасиз. Айрим саҳифаларини сиз, азиз биродарлар билан бирга варақлашга жазм этдик.

Олим ўсиб-улғайган даврдаги муҳит, турмуш тарзи ортда қолди, эндиликда улар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Юртимиз кўрки ҳисобланган Сурхондарёдан ҳам бу орада қанча-қанча сувлар оқиб ўтди. Айниқса, мустақиллик йилларида она Сурхон воҳаси, унинг қадимий шаҳри Термиздаги ижобий жараёнлар, чинакам тарихий ўзгариш ва янгиланишлар замон ҳақиқатига бой бўлди. Бу қадим ўлканинг гуллаб-яшнашига хизмат қилган, халқ бахт-саодати йўлида фидоийлик кўрсатган кўплаб мўътабар сиймолар борки, улар билан фахрланасан киши. Э.Бобомуродов мансуб бўлган хонадоннинг эл қатори шу ўлкадаги турмуши, меҳнат ютуғи, завқу шавқлари ҳам ана шу тарихнинг бир зарраси десак арзийди.

Зеро, жамият тарихида ҳар бир оиланинг ўз ўрни, ўз ҳаётий ялди-зи ва мавқеи бор. Ушбу рисола олим ва унинг оиласи босиб ўтган ҳаётий йўл, фаолият қирраларидан ҳикоя қилади.

ЁШЛАР МУРАББИЙСИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Миллий истиқлол ғоясининг талаблари илм аҳли олдига муҳим вазифалар қўймоқда. Уларни муваффақиятли амалга ошириш мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлайди.

Университетимизда ана шундай масъулият ва интизом билан ишлаб келаётган фан докторларидан бири Эркин Бобомуродовдир.

Илм-фанга меҳр қўйган, ёшлар тарбиясига сидқидилдан берилган олим умрининг салкам 34 йилини университетимизга бағишлаб, илмий-педагогик фаолият кўрсатиб келаётир. Шу давр ичида салоҳиятли файласуф олим сифатида эл эътиборига тушди, тажрибали мураббийга айланди. Кенг дунёқараш, билим, мутахассислик малакаси, педагогик салоҳият унинг учун бош қондаларга айланган. Аслида олим жамият учун яшайди, дейдилар. Эркин Бобомуродовда ҳам ана шундай хусусият мужассам. У: «Ушбу жамоада меҳнат қилиб яшашимдан хурсандман, ўқитувчи сифатида жамоага, халқимга, юртимга хизмат қила олган бўлсам бахтлиман»,—дея қалб сўзини изҳор этади.

Профессор Эркин Бобомуродовдаги фидойилик, меҳнатсеварлик, юртсеварлик, илмга чанқоқлик ўз илдизига эга. Термиз қадимий маданият марказларидан бири. Донишманд аждодлар руҳи барчамизга мадад бериб туради. Бугунги кунда ўтмишда яшаб ижод этган улуғ ва дунёга донғи кетган Термизий боболаримизни эслабгина қолмай, улар ёзган асарларни кенг тарғиб этмоқдамиз. Ўтмишлагги алломаларнинг илмий меросини тадқиқ этиш ишлари давом этмоқда. Чунки бу буюк зотлар-бизнинг илдизларимиз. Биз уларнинг тарихимизда қолдирган илм хазиналарини муттасил ўрганиб, ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Буюк боболаримиз ҳаёти, бой мероси жуда кўп қалам аҳлига, мураббий педагогларга дарё-дарё илҳом манбаи бўлиб хизмат қилишга қодир. Улуғвор кунларимизда уларни гурур ва ифтихор билан эъзозлаймиз, чунки улар бизни фалсафий тафаккур сари чорлаб, ўзлигимизни англатиб туради. Қадимий Термиз ана шундай буюк алломалар маконидир. Мустақиллигимиз шарофати билан бу бой илмий мероснинг янги-янги қирралари очилмоқда. Бу соҳада янгидан уйғониш даври бошланади, десак хато

бўлмайди. Улуғ боболаримиз кўйиб кетган нарвонларни янада баландроққа кўтариш мустақилликнинг шарофати туфайли, ёшларнинг зиммасига тушмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган олимларни улуғ мутафаккирларнинг издошлари, ворислари, давомчилари дегим келади.

Ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олийжаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз, – дейди юртбошимиз И.А.Каримов. Эрксевар Президентимизнинг бу сўзлари Ватанимиз ўқитувчиларига муттасил равишда кўрсатиб келаётган ғамхўрлигининг ифодасидир.

Биз ажойиб замонларда яшамоқдамиз, чунки ватанимиз салоҳияти, обрў-эътибори ошиб бораётганлигини, дунё халқлари ва мамлакатлари ўртасида халқимиз ўз қадрини тиклаб, ҳар жабҳада тилга тушаётган ютуқларини кўриб қувонамиз. Бутунлай бошқа тарихий даврда яшаймиз. Янгидан тарих саҳнасига чиқдик. Шундай кунларда қалбимда масъуллик, келажак олдида жавобгарлик туйғуси янада теранроқ туюлади.

Ўзини шу озод Ватаннинг фидойиси деб билган муҳтарам фан доктори ҳозирги мустақиллик шароитида ижтимоий фанларнинг ютуқларини муттасил ўрганиб, жамият тарихий тараққиёти ва унинг қонуниятлари моҳиятини чуқур эгаллаб, воҳа аҳли ўртасида, қолаверса, республикада танилди. Шу ўтган даврда олим кўплаб монография, рисола ва илмий мақолалар эълон қилдирди. Улар фалсафа фанининг маданият, жамият тараққиёти, ижтимоий гуруҳлардан ёшлар масалаларига бағишланган. Бу ишлар «Жамиятнинг маънавий янгиланиши ва Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий психологиясининг ўзгариши» мавзусига бағишланганлиги билан диққатга сазовордир. Олим доимо илмий изланишда. Ҳозир янги бир монография устида иш олиб бормоқда. «Энди кўпчилик учун қизиқарли бўлган илмий-оммабоп фалсафий фикрлар тўпланган асар ёзмоқчиман, – дейди Эркин Бобомуродов. – Она халқимизнинг шонли тарихини бугун бўй-басти билан тасаввур қилиш кишига, айниқса, ёшларга бемисл ғурур ва ифтихор туйғусини бахш этади».

Домла ҳамиша шоғирдлари - талабаларни дадилликка чақиради, ёшлик - бу орзу, бу ишонч, бу жасоратга интилиш, деб хитоб қилади, бугунги ҳаётимизга Ватан учун фидойи инсонлар кераклигини қайта-қайта таъкидлайди.

Маълумки, олий ўқув юртидаги асосий йўналиш, мустақил Ўзбекистон ривожига ҳисса қўшадиган, бутуннинг моҳиятини англаб етган, эътиқодига содиқ, масъулиятли кадрлар тайёрлашдир. Бунинг учун замонавий билимлар берилдек мукамал вазифа туради. Бу улкан вазифани англаб етган заҳматкаш олимимиз ёшларга мукамал билим беришга, улар билан индивидуал ва аудиторияда илмга чанқоқлик билан шуғулланишга бор иқтидорини, куч-ғайратини сарф этмоқда, ўз ишидан ҳузур-ҳаловат олмоқда. Буни ҳаётдан руҳланишнинг энг яхши усули дейдилар. Бемалол айтиш мумкинки, Эркин Бобомуродов ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топган, ҳурмат-эътибор, қадр-қимматга эга бўлган камтарин инсон. Олимнинг илмий-педагогик тажрибаси атрофлича ўрганилиб, кенг оммалаштиришга арзийди, чунки устоз босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўли, инсоний фазилатлари барчамизга ўрнакдир.

Салоҳиятли мурабий Эркин Бобомуродов табаррук 60 ёшда бўлсалар ҳам ҳали тетик ва ҳаракатчан, ижодий кучга тўлиб жўшиб турганини катта ишонч билан айтаман. У киши сафимизда ғайрат ва шижоат билан яна кўп йиллар фаолият кўрсатишини тилаб қоламиз.

Х.Х. АЛЛАҚУЛОВ,

*Термиз давлат университети ректори,
иқтисод фанлари доктори, профессор*

ФАНДА ЖАСОРАТЛИ, ҲАЁТДА ФАОЛ

Мен Эркин Бобомуродовни саботли ва изланувчан олим сифатида ҳурмат қиламан. У кўз олдимда ўсиб-улғайди, десам янглишмайман. Камолини кўриб суюниб юраман.

1944 йилда Жарқўрғон туманида деҳқон оиласида таваллуд топган Эркин Бобомуродовнинг ёшлик йиллари иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир йилларга тўғри келди. Шу боис, у меҳнат фаолиятини жуда эрта, Жарқўрғон тумани далаларида ишлашдан бошлади. 1962 йилдан 1963 йилгача эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида таҳсил олди. 1963 йил 22 ноябрдан-1966 йил 1 сентябргача ҳарбий хизматда бўлди. 1966 йил сентябридан 1970 йилгача ўқув юртида таҳсилни давом эттирди. 1970 йил 3 сентябри-

дан илмий фаолиятини академик М.Т.Ойбек номли Термиз давлат педагогика институтида ижтимоий фанлар кафедраси кабинет мудириликдан бошлади.

1971 йил 6 декабрдан 1972 йил 1 сентябргача фалсафа кафедрасининг ўқитувчиси, 1972 йил 1 сентябрдан 1973 йил 18 октябргача институт ёшлар қўмитаси котиби бўлиб ишлади. Шу йили Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти фалсафа кафедрасига бир йиллик стажировкага тавсия қилинди. 1973 йил октябрдан 1974 йил октябргача стажировка дастурини профессор Александр Агаронян раҳбарлигида муваффақиятли бажариб, институт кучоғига қайтди. 1974 йил 1 декабрдан Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтига аспирантурага қабул қилинди. Фалсафа кафедрасининг мудирини, фалсафа фанлари доктори, профессор А.С.Агаронян раҳбарлигида «Қишлоқ ёшларининг ижтимоий психологиясини шакллантириш» деган мавзуда илмий тадқиқот олиб борди. Юқоридаги мавзу юзасидан Ўзбекистон ёш олимлари, мутахассислари ва республика олимларининг илмий-назарий ва юбилей конференцияларида бир неча бор чиқишлар қилди.

Отасининг бевақт вафот этиши тўнғич фарзанд бўлган Эркин Бобомуродовнинг зиммасига рўзгор тебратишдек оғир ташвишларни юкледи. Лекин турмуш қийинчиликларига қарамасдан, А.Агаронян, Ж.Туленов, Х.Холиёров, Ш.Қаландаров, А.Кулмамамов каби таниқли олимлар томонидан ёш муаллиф қалбига сингдирилган илмга бўлган чанқоқлик ва меҳр уни ўз илмий фаолиятини давом эттиришга йўналтирди. Қишлоқ ёшларининг ижтимоий психологиясини шакллантириш муаммолари бўйича илмий тадқиқот олиб борган ёш олим проф. А.С.Агаронян раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унинг салоҳиятининг шаклланишида тоғаси Ж.Ч.Чориевнинг таъсири жуда катта бўлди. Устозларидан ҳаётнинг ҳар бир саҳифасини пешона тери билан яратиб, доимо қаноатли бўлиш лозимлигини уқиб олган Эркин Бобомуродов, бу масалаларни ҳаёти ва фаолиятининг шиорига айлантирди.

Олим бўлсанг-олам сеники, дейдилар. Лекин инсонга бахт келтирадиган, унга омад бағишлайдиган омил оиладир. Чин инсонийлик ҳислати, биринчи навбатда, ўз яқинлари, қариндош-уруғлари, болаларининг таълим тарбиясида намоён бўлади. Эркин ака укаси ва син-

гилларининг бошида туриб, уларни ўқитди, уйли-жойли қилди. Турмуш ўртоғи, меҳнат фахрийси, маданият ходими Сулув Бобомуродова билан фарзандларини камолга етказди. Ҳозирги кунда олти фарзандидан уч нафари ота изидан бориб, шу университетда талабаларга сабоқ бермоқда, улардан бири фан номзоди.

Эркин Бобомуродов ҳаёти ва фаолияти давомида жамоатчилиги, камтарлиги, меҳр-оқибатлилиги, билимдонлиги, муомала маданиятида ибратлилиги билан эътиборга сазовордир. Кўп йиллик илмий фаолиятида эришган ютуқлари туфайли мамлакатимиз олимлари орасида ҳам ҳурматига эга.

Фалсафа фанлари доктори Эркин Бобомуродов 60 ёшга тўлди. Айни чоғда мамлакатимиз истиқлоли учун улкан ишларни амалга ошириш орзусида яшамоқда. Биз собитқадам олимимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, орзуларини рўёбга чиқариш насибини чин дилдан тилаб қоламиз.

Х.ХОЛИЁРОВ
профессор.

МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПДИ

Термиз давлат университетиди Эркин Бобомуродовни ҳурматга сазовор олим сифатида қадрлашади. Чунки у изланувчан файласуф, мураббий педагогдир. 1970 йилдан бери ушбу ўқув даргоҳида самарали ижодий фаолият кўрсатиб келмоқда. Эркин Бобомуродовнинг фаолият йўли илм билан узвий боғланган. Олий маълумот олиб қайтгач, Термиз давлат университетиди кабинет мудири, ўқитувчи, талаба ёшлар ташкилотининг котиби, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти стажёр-тадқиқотчиси ва аспиранти, 1970 йилдан ҳозирги кунгача Термиз давлат университетиди турли лавозимларда ишлаб келмоқда. У 34 йиллик фаолиятини илм эгаллаш ва таълим-тарбияга бағишлади.

Эркин Бобомуродовнинг илмий фаолияти асосан жамиятнинг маънавий янгиланиши ва Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий психологиясидаги ўзгаришларга бағишланган. Файласуф олим 1978 йилда номзодлик, 1997 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Термиз давлат университетида узоқ йиллар талабалар илмий жамиятини бошқарди, фалсафа кафедраси мудирини ўринбосари бўлиб ишлади. Ҳозирги кунда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетининг декани вазифасидадир. Университетда умумтаълим фанлари бўйича тингловчиларнинг малакасини ошириш ва тарбиялашда олимнинг алоҳида хиссаси бор. Воҳанинг қаерига борманг, унинг шогирдларига дуч келасиз. Воҳада ёшларнинг сардори сифатида олимнинг етук шогирдлари борки, улар билан Эркин Бобомуродов фахрланади. Кўпчилик шогирдлари домладан маслаҳатлар олиб туради.

- Мана 13 йил бўлдики, жумҳуриятимиз ва воҳамиз тарихида буюк бурилиш юз берди, - дейди домла биз билан суҳбатда. – Узоқ даврли мустамлака асоратидан қутулиш, қарамлик иллатидан ва мутеликдан қутулиш, мафкуравий покланиш, миллий истиқлол ғояси ва мафкура такомиллашуви, илмий - ижодий дунёқараш ва ҳаёт ҳақиқатининг тарихий тафаккурдаги янгиланишлари ҳаётимизнинг мазмунига айланмоқда. Худди шунингдек, фалсафа фани ҳам бутунлай янгидан шаклланди. Бу жабҳада ғоялар тизими, назариясини, амалиётини янги методологик асосларини юртбошимиз И.А.Каримов ишлаб чиқдилар ва бу методологик асослар файласуф олимларни янгидан қуроллантирди, фалсафа фанининг ғоявий-мафкуравий таъсирчанлигини оширди. Биз, педагоглар бунга муносиб жавоб беришимиз, фидойилик кўрсатишимиз керак.

Буни юракдан ҳис этган олим Эркин Бобомуродов сўнгги йиллардаги илмий ва тарбиявий фаолиятини мустақиллик даври ва таълим тизимидаги янгиланишлар билан боғлади. Шогирдларига мустақиллик инсондан амалий ҳаракатларни талаб этишини қайта-қайта уқтиради. Ёш авлодни мантиқан фикрлаб яшашга, онг ва тафаккур орқали кун кўришга даъват этади, уларни соғлом ва мустақил фикрли, кенг тафаккурли, баркамол инсон қилиб тарбиялашга бор билим кучини сарфлайди.

Домла Эркин Бобомуродов серқирра олим, фидойи ва меҳнаткаш мураббийдир. Кейинги йилларда ўз фаолиятида истиқлол ғояларини ёшлар онгига сингдириш, шу асосда уларга таълим-тарбия беришга қаратмоқда.

Домла истиқлол ғояларига хизмат қилишни ўз вазифаси ва бурчи деб билади, ўз касбига ўта масъулият билан қарайди. Агар одам ўз

фанига қалбан қизиқса, у ҳар қандай қийинчилик ва ғовларни босиб ўта олади, дея шогирдларини ишонтиради.

Фалсафа фани фидойиси талабаларга «Фалсафа» ва «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» курси бўйича маърузалар ўқийди. Маърузаларида фалсафий қарашларнинг туб моҳияти ва улардаги ўзгаришларни чуқур очиб беришга интилади. Бу соҳани ёритишда ўта муҳим илмий дунёқараш, ғоявий-назарий, фалсафий-методологик асосларга таяниш зарурлигини таъкидлайди, илмий-тадқиқот олиб бориш усуллари ва услубий воситаларини янгича талқин этади.

Домла янги илмий таълимотни бошқа бир маънода фалсафани ўрганишга оид махсус фан деб қарайди. Фалсафа фанлари мутахассислиги бўйича олим кейинги вақтда ҳар томонлама ва чуқур шугулланди, чунки бу фанни у инсоншунослик фани деб атайди. Дарҳақиқат, фалсафани инсоният яратади. Фалсафа эса табиат, жамият, инсон ва унинг тафакқури бўйича умумий қонунлар ҳақидаги фандир. Олимнинг фикрича, бу соҳани ўрганувчи воқеа-ҳодисаларга тўғри ва ҳалол ёндашиши, уларни аниқ далил орқали таҳлил этиши даркор. Файласуф-тадқиқотчи ўзини табиат, жамият тақдирига кўшиб юбориши керак, ана шунда ҳақиқий воқеа ёзилади. Дарҳақиқат, фалсафа фанида воқеалар ва ҳодисалар орқали уларнинг келиб чиқиш шароити, сабаблари ва моҳияти илмий тадқиқ этилади. Фалсафий билишнинг энг маъқул йўли унга ҳаёт ҳақиқати, табиат, жамият ва инсон ўртасидаги умумий боғлиқлик, уйғунлик, кишилар ҳаётининг замирида ётган муносабатлар, қарама-қаршиликлар, ички зиддиятлар ва манфаатларни таҳлил орқали баҳолашдир. Профессор буни илмий ҳақиқат деб атайди.

Олимнинг салоҳияти ижтимоий фаолликда кўринади. Эркин Бобмуродов ҳам илм-фан ва ижтимоий ҳаёт янгиликларининг фидойи ва ишчан тарғиботчисидир. У таълимни амалиёт ва ташвиқот билан кўшиб олиб боради. Аудиторияда ҳам, талабалар даврасида ҳам, омма орасида ҳам истиқлол ғоясининг ҳақиқий тарғиботчиси, бу соҳада ёшлар мураббийсидир. Шу жиҳатдан ўз замонасининг илғор кишиси сифатида фаолият юритади, ҳозирги ҳар қандай таркибий ҳаётбахш ўзгариш ва ислохотлар халқимизнинг онги ва қалбидан жой олсагина, амалда натижа беради, дея таъкидлайди олим.

Сўз билан иш бирлигига амал қилган олим бу жараёнга муносиб ҳисса қўшишга интилади. Тарғибот ва ташвиқот ишларида фалсафа фанининг жозибали таъсир кучи бор. Тарғиботчи олим бундан унумли фойдаланишга, яъни тарғиботда руҳий жўшқинлик билан воизлик маҳоратини қўшиб юборишга интилади ва бу соҳада кўпларга ўрناк бўлмоқда.

Биз файласуфнинг нотиклик маҳоратини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдик. Агар эътибор берилса, олимнинг фақат Термиз давлат университети билан боғлиқ фаолиятининг ўзи 40 йилга яқинлашиб қолибди. Шундан 5 йили кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети деканлигига тўғри келади. Тингловчилар ва талабалар унинг маърузаларини мароқ билан тинглайдилар. Чунки Эркин Бобомуродов нотиклик санъатини мукамал эгаллаган, ўз билими, топқирлиги, нутқининг нозик ифодаларга бойлиги билан тингловчилар диққатини ўзига жалб эта олади. Олимнинг катта йиғинларда, жамоат орасида турли мавзуларда чиқишлари ҳам тингловчиларда алоҳида бир жонланиш уйғотади. Шунинг учун ҳам у вилоятда ўзининг сермазмун чиқишлари билан миллий истиқлол ғояларини омма орасида тарғиб қилиб, ёш нотикларга кўмак бермоқда.

Домланинг педагог олимлар тайёрлаш борасидаги хизматлари таҳсинга сазовордир. Таъбир жоиз бўлса, Эркин Бобомуродов тимсолида адолатпарвар, ҳақгўй, ҳалол ва қалби пок олимни кўрамиз. Чунки у жамоатчилик орасида ҳурмат қозонган мураббий, эл орасида обрў-эътиборга сазовор бўлган тарбиячилардан бири, оилапарвар инсон. Унинг фарзандлари ҳам олим, шифокор, тилшунос, педагог ва иқтисодчи-муҳандис бўлиб етишишди.

Профессорнинг мураббийлик фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. Мураббий сабоғининг ҳаётдаги ўрни бебаҳо. Инсонлар қалбига меҳр-мурват илиқлигини солувчи, онг тафаккурини маънавий жиҳатдан озиклантирувчилардан бири мураббий-тарбиячи, унинг билими, жонкуярлиги, фидойилигидир. Айниқса, ёшларни доимо огоҳлантириб, ҳаётий воқеаларга муносабатини онгли тафаккур орқали ўтказиб қалбан ҳис этиб туришга таъсир ўтказиш даркор. Чунки одамлар оламни қанча тўғри англаса, ўзлигини ҳам шунчалик тез билиб олади. Профессорнинг фикрича, ёш қалбда ва мурғак тафаккурда, жамиятда ҳақиқат абадий қолсин ва уларни эзгуликка даъват этсин. Жами-

ятнинг маънавий янгилалиши масаласи энг катта муаммолардан эканлигини Э.Бобомуродов тез-тез таъкидлаб туради. У ўзини халқимизнинг хизматкори деб билади. Ана шундай шарафли фаолиятдан завқ ола билиш олимга хос хислатдир. Ҳамкасблари буни доимо сезиб турадилар ва ундан ибрат олишга интиладилар.

Эркин Бобомуродов таълим тизимидаги ислоҳий ўзгаришлар ҳақида тўхталар экан, эндиликда тарбиячи-мураббий ва тарбияланувчи-шогирд ўртасида бўладиган ўзаро муносабат тамоман янгича инсонпарварлик асосида қурилиши лозим, дейди. Унинг фикрича, ҳозирги талаб умуминсоний қадрият ва муносабатлар асосида бўлиши, яъни ўтмишдаги итоаткорлик ва диктаторлик ўрнига янгича муносабат, ўзаро дўстона меҳр-муҳаббат, садоқат, бир-бири билан ҳамкорлик асосида қурилиши ва олиб борилиши керак. Ўзаро муносабат буйруқ бериш ва уни бажариш тарзида эмас, балки тамоман янгича адолатлилик ва инсонлик муносабатлар асосида ташкил қилиниши зарур. Мураббий - олим муаммоларни шу тариқа илмий мушоҳада этади, бошқаларни ҳам шу асосда мураббийлик қилишга даъват этади.

Камтарин ва дилкаш инсон Эркин Бобомуродов одамлардаги самимийликни қадрлайди.

Қуш уясида кўрганини қилади, от ўрнини той босар, деган ҳикматлар бекорга айтилмаган. Буни Эркин Бобомуродов оиласи мисолида ҳам кўриш мумкин. Файласуфнинг 6 нафар фарзанди ҳам ўқитувчилик касбини танлаганлар, 1 нафари ота изидан бориб фан номзоди бўлди, яна 2 нафари фан номзодлиги устида ишлаяпти. Кенжа фарзанди эса Тошкент техника университетининг II курс магистранти. Домланинг оилапарварлиги ҳамма учун, айниқса, тарбиячилар учун ҳавас қилгудек, ибрат олгудек муҳим фазилатларга эга. Саховатпешалик, камтарин фазилатлари жонкуяр устознинг маънавий қиёфасини кўрсатиб туради. Талабаларнинг устозига ҳавас билан қарашлари ҳам аслида унинг инсоний хислатларга бойлигидандир. Буларнинг ҳаммаси Эркин Бобомуродовнинг салкам 40 йиллик илмий-ижодий ва тарбияшунослик соҳасида тажрибага эга, ҳурматга лойиқ олим, мураббий деган номга муяссар бўлганлигидандир.

Домланинг 3 та монографияси, 3 та рисоласи, 120 дан ортиқ илмий мақоласи маънавиятимиз ривожига хизмат қилмоқда. Унинг илм-

фан ва таълим-тарбия соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирлаб келинмоқда. Олим кўплаб фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Энг яхши мукофот эса шогирдларнинг «Муҳтарам устоз»,—дея ҳурмат бажо келтириши, эл-юртнинг эҳтиромидир.

Файласуф олим ўз олдиди Ватанимиз ва миллатимиз равнақи йўлида баракали меҳнат қилишдек улкан вазифалар турганини мудом ҳис этади. Шунинг учун суҳбатларда тинмай ижод билан шуғулланиб, изланиш кераклигини қайта-қайта таъкидлайди. Олимни ҳозирги даврнинг ижтимоий масалалари ва муаммолари қизиқтиради. Ёшларни ҳаётда вужудга келувчи янги муаммолари, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаракатлар, уларнинг объектив ҳамда субъектив сабаблари тўғрисида фикрлашга ундайди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ўз муҳимлиги жиҳатидан ҳар бир олим ва тадқиқотчига ўз вазифасини илмий ва амалий англашга яна бир туртки берди. Шундан келиб чиқиб, олим ўз шогирдларига «Бизда бугун изчил бунёдкорликни ривожлантириш, инсон салоҳиятини ўстириш зарур экан, долзарб муаммолар ҳам анчагина, уларни ечишда илмий зиёлиларнинг роли бениҳоя каттадир», — дея эслатиб туради.

Яна шуни таъкидлаш ўринлики, илм-фан ва маърифат маскани-университет бағрида вояга етган ҳалол ва касбига садоқатли бўлган мутахассис, ёшларга ва халқига ўз фаолияти билан ўрناق кўрсатаётган файласуф олим Эркин Бобомуродов яқинда 60 ёшни қаршилади. Биз таниқли олимимизни қутлуғ ёшлари билан табриклаб, юрт фалсафасини ўрганишда ва энг муҳими, етакчи кадрлар тайёрлашда ҳормай-толмай меҳнат қилишга, ёшларни илм-фаннинг олис уфқлари сари етаклашига тилақ билдирамыз.

ҚУДРАТ ЖЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор
БОЛТА ЁРИЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент

ЕТУК ОЛИМ

Шундай инсонлар борки, уларнинг чеҳрасига боқибоқ, катта машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтганини, тажрибакорлиги, ўз касбининг моҳир устаси эканлигини билиб оласиз. Биз тилга олмоқчи бўлган олим ҳам ана шундай камтарин, ширинсухан, меҳрибон, талабчан ва юрт обрўсига сазовор бўлган кишилардан биридир. Уни элда эътибор топган барча таниқли инсон, жонқуяр педагог қаторида эъзозлайди. Бу мартабага олим осонгина эришгани йўқ. Қўллари қадоқ оддий бир деҳқоннинг набираси, қалби пок бир деҳқоннинг фарзанди бўлган Эркин Бобомуродов фалсафа фани соҳасида чинакам қатъий меҳнат ва тиришқоқлик намунасини кўрсатди, ўз орзу-мақсадларига эришиш учун тинимсиз изланди, ўқиди, ўрганди. Ўтмишни ўрганиш фақат ақлигига бойитмайди, фақат ижодиётга руҳлантирмайди, шу билан бирга у жасурликка чорлайди, ҳушёрликка ундайди, рафлатдан сақланмоқни ўргатади. Мозий инсонни чинакамига тарбиялайди, етук инсон қилиб етиштиради. Кўп йиллик машаққатли меҳнатлари, чиниқиши, изланиши ёшларга таълим тарбия беришдагина эмас, балки бу эзгу ишда фалсафа фанига ҳисса бўлиб қўшиладиган илмий умумлашма хулосаларни чиқара олганлиги боис, турмуш синовларида тобланди, қийинчиликларни бошидан ўтказди, фидойилик қилди, ибратли йўлни босиб ўтди. Шу сабабли ҳурматли устозни воҳамиз ўқитувчилари университетда меҳнат қилаётган ибратли педагог сифатида қадрлашади. Олимнинг мазмунли ҳаёт йўлини кузатар эканмиз, беихтиёр ёшликдан илм олиш йўлида чеккан машаққатлари, илмда эришган натижалари ва ибратли, кўп қиррали томонларини англаб оласизки, бу ҳаёт мактабидир.

Жарқўрғон туманининг ҳозирги С.Бойматов номли жамоа хўжалигидаги бошланғич ва саккиз йиллик мактабларда ўқиш, қорин тўйғазиш учун «Қизил деҳқон» жамоа хўжалиги далаларида ишлаш, оғир йилларнинг машаққатлари олимнинг ҳамон ёдида. Тошкент давлат педагогика институтининг табиёт-география факультетидаги мазмунли таҳсиллар, сўнгра Термиз давлат университетида ўқитувчилик, университет ёшларига бошчилик қилган йиллар ҳаётида катта ўрин эгаллайди.

Биз фан доктори Эркин Бобомуродовнинг илмий-педагогик фаолиятининг айрим қирраларига ва ҳаёт саҳифаларига назар ташласак,

бўлажак олим олий даргоҳда ишлаб юрган вақт-1971 йили Қумқўр-гон қишлоқ кенгаши раиси бўлиб ишлаб турган меҳрибон падари бузруквори ҳаётдан бевақт кўз юмиб, олимнинг оиласи моддий жиҳатдан ночор аҳволда қолганини кўраимиз. Шу аҳволда институтда дарс бериш ва илмий изланишларни давом эттириш учун ҳар кимда ҳам журъат топилавермайди. Ҳаётнинг машаққатли синовлари ва жумбоқлари орзуларга, йўлларга, умрларга хавф солишига қарамай, интилган одам, албатта, муродига етади. Бунинг учун кучли ирода, аниқ мақсад талаб қилинади. Олимда буларнинг ҳаммаси мужассам эди. Дарҳақиқат, илмга ташналик 1973 йилда Эркин Бобомуродовни Тошкент давлат педагогика институти фалсафа кафедрасига бир йиллик стажировкага етаклади. 1974-1977 йиллар аспирантурани ўтади. 1978 йилда номзодлик диссертациясини проф. А.Агаронян раҳбарлигида муваффақиятли ёқлаб, Термиз давлат педагогика институти фалсафа кафедрасида ўқитувчилик қила бошлади. 1970 йилдан ҳозирги кунга қадар Термиз давлат университетида ишлаб келмоқда.

Фалсафа фанлари доктори Эркин Бобомуродов Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари Ж.Т.Туленов, С.Ш.Шермухамедов, кўзга кўринган олимлар М.А.Абдуллаев, А.Чориев, А.Жалолов, С.Отамуродов, Н.Маматов, М.Х.Ҳасанов, М.Г.Давлетшин ва бошқалар билимга бўлган иштиёқини оширишда салмоқли ҳисса қўшганликларини фахр билан тилга олади.

Олимнинг кейинги салкам 40 йиллик фаолияти Термиз давлат университетида ишлаш, шу даргоҳда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш билан чамбарчас боғланди. Ўзининг синчковлиги ва тиришқоқлиги билан танилган олим бутун илмий фаолиятини жамиятнинг маънавий янгиланиши ва ёшлар ижтимоий психологияси масалаларига бағишлади. Маълумки, ёшлар руҳияти ва маънавияти энг долзарб масалалардан биридир. Бу борада фалсафа фани соҳасидаги илмий адабиётларни таҳлил қилиш, мамлакат ва вилоят ёшлари билан ишлаш, турли хил оммавий матбуот материаллари ва реал ҳаётни кузатиб бориш давомида олим қанчадан-қанча ташвиш ва қувончларни бошдан кечирмади, дейсиз!

Олим Москва, Санкт-Петербург, Киев, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз шаҳарларидаги марказий кутубхоналарда бир неча йиллар давомида тиним билмай изланишлар олиб борди. Номзодлик ва

докторлик диссертациялари, монографиялари ва илмий мақолаларини ёзишда чидам билан меҳнат қилди, заҳмат чекди, қийинчиликларни бошидан кечирди. «Инсон дунёни қанчалик билса, ўзлигини ҳам шунчалик англайди», – деган эди И.Гёте. Буюк немис мутафаккирининг ана шу сўзлари қанчалик ҳаққоний эканлигини фан ва ҳаёт тасдиқламоқда. Фалсафани фақатгина билиш эмас, балки унинг сабоқларини ижодий мушоҳада этиш ва ҳаётга тадбиқ эта билмоқ, замон билан ҳамнафас бўлиш осон кечмайди. Олим ёшларни жамиятнинг ижтимоий гуруҳи ҳамда унинг тарбияси масалаларини очиқ ва дадил кўтариб, онгли ҳаётини фалсафа фанининг ривожланишига бағишлади.


Файласуф олим 1997 йилда «Жамиятнинг маънавий янгилиниши ва Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий психологияси ўзгаришининг ижтимоий-фалсафий таҳлили» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, олий илмий даражага сазовор бўлди. Бу ишда унга таниқли олимлар яқиндан ёрдам бердиларки, домла уларга ўз миннатдорчилигини доимо изҳор этиб келади. Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти олим илм ўрганган иккинчи даргоҳи ҳисобланади.

Олимнинг илмий изланишлари ёшларнинг истиқлол давридаги бунёдкорлик ишларидаги фаоллигини ва меҳнатсеварлигини янада ошириш, бу борадаги имкониятларни излаш ва унинг тизимини топиш, мустақилликни мустаҳкамлаш масалаларига қаратилган. Тадқиқотда истеъдодли, қобилиятли меҳнаткаш инсонни қадрлаш ҳамда мустақил Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий психологиясида рўй бераётган ўзгаришларни кўрсатиш билан боғлиқ назарий асослар ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари орасида қуйидагиларни алоҳида қайд этиш мумкин: ижтимоий-фалсафий адабиётларда маънавий янгилиниш ва ёшлар ижтимоий психологиясининг ўзгариши мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг биринчи марта ўрганилди; мустақил Ўзбекистон ёшлари жамиятнинг махсус ижтимоий-демографик гуруҳи сифатида, уларнинг турмуш тарзи, характери ва тарбиявий хусусиятлари, ижтимоий психологиясининг шаклланишига таъсир қилиш омиллари илк бор тадқиқ қилинган; Ўзбекистон ёшлари ижтимоий психологиясининг ўзига хос хусусиятлари, ички руҳий

олами, ижтимоий тафаккури тараққиётнинг ижтимоий йўналиши билан боғлиқ ҳолда кенг тадқиқ қилинган. Ёшларнинг қобилият имкониятлари, онгидаги ўзгаришлар, унинг шаклланиш жараёнлари аниқланган, ёшлар ижтимоий психологиясини табақалаштириш, типларга бўлиш муаммоси фалсафий нуқтаи назардан асослаб берилган; ёшлар ижтимоий психологиясининг шаклланишида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий, ҳуқуқий омиллар ҳал қилувчи таъсир қилади. Тадқиқотда Марказий Осиё минтақасининг, жумладан, Ўзбекистоннинг хусусиятлари инobatга олинган ва шу асосда ёшлар ижтимоий психологияси шаклланишининг маънавий асослари ўз ифодасини топган; миллий анъана, урф-одатлар, оилавий турмуш тарзини, маънавиятини баҳолашда ёшлар ижтимоий психологиясининг аҳамияти беқиёсдир. Инсонпарварлик асосидаги ёшлар ижтимоий тафаккури тараққиёти асослари назарий жиҳатдан изчил ўрганилган.

Диссертацияда баён қилинган фикр-мулоҳазалар, илмий хулосалар мустақил Ўзбекистонда жамиятнинг маънавий янгиланиши ва ёшлар ижтимоий психологиясининг ўзгаришини амалиётда қўллаш учун асос бўлади. Муаллиф таклиф этаётган қатор муаммо ечимлари инсон ва шахс мавзуси билан шуғулланувчиларга, унинг турли жабҳаларини ўрганаётганларга, хилма-хил ижтимоий-фалсафий ва маънавий муаммоларни таҳлил қилаётган тадқиқотчиларга катта ёрдам беради. Тадқиқот натижаларидан таълим-тарбия соҳасида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида фалсафа, ахлоқшунослик, маданиятшунослик, социал психология фанларини ўқитишда ижодий ва самарали фойдаланиш мумкин. Диссертациядан чиқарилган илмий хулосалар, баён қилинган назарий фикр ва мулоҳазаларнинг ишончлилиги, олинган натижаларнинг аҳамияти ва ечилган муаммоларнинг янгиллиги тадқиқотчи келтирган далил ва маълумотлар асосида тасдиқланади. Диссертацияда Ўзбекистон президенти И.А.Каримовнинг асарларида жамиятнинг янгиланишига, ёшлар ижтимоий психологиясининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган хулоса ва кўрсатмаларига, шунингдек, файласуф, социолог, психолог, маданиятшунос ва ахлоқшунос олимларнинг илмий ишларига асосланган ҳолда, ижтимоий тараққиёт қонунлари ривож билан боғлиқ ёшлар ижтимоий психологиясидаги ўзгаришларнинг ўзига хос бутун бир концепцияси ишлаб чиқилган. Бу концепция мустақил Ўзбекистоннинг истиқлолига



асосланган, жаҳон цивилизацияси талабига мос келадиган демократик тамойилларига асосланувчи янгича ёшлар ижтимоий психологиясини шакллантириш ва камол топтиришда катта аҳамиятга эга. Диссертациянинг натижаларидан фалсафа, социология, маданиятшунослик, этика ва эстетика соҳасида ёшлар ижтимоий психологиясининг ўзгаришига оид маърузаларда, ёшларнинг тарбиясига оид қўлланма ва тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Ундан мустақиллик талабларига жавоб берадиган янги демократик тафаккурга эга бўлган ёшларни тарбиялашни кўзда тутувчи давлат сиёсатини амалга ошириш ва шу асосда махсус комплекс дастурни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Эркин Бобомуродовнинг илмий педагогик ҳаёти ва фаолияти Термиз давлат университети билан чамбарчас боғлиқдир, дея эътироф этилди. Шу ерда ишлади, ўсди, камолга етди. Обру ва шуҳратини шу ердан топди. Аслида, қадимий она шаҳар Термиз дунёга машҳур буюк донишмандлар алломалар-термизийлар юртидир. Бугунги зиёлилар улуғ боболарининг ишини давом эттирувчилардир.

Олим Термиз давлат университетида узоқ йиллар кафедра мудири ўринбосари лавозимида ишлади, ҳозирги кунда фалсафа кафедрасида етакчи олим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетида декан, шу билан биргаликда ёшларнинг меҳрибон мураббийсидир. Университетда тайёрланган минглаб мутахассисларни етиштиришда ва тарбиялашда олимнинг алоҳида ўрни бор.

Мен ҳам профессор Эркин Бобомуродов билан 34 йилдан бери ишлаб келадиган эканман, ўзимни олимнинг сафдоши деб ҳис қиламан. Олим барча билан дўстона ва мурувватли муносабатда бўлади. Ҳамкорлик ва ҳамдўстлик ҳиммати одамни олижаноб қилади, юксалтиради, буюклик мартабасига кўтаради ва улуғ ишларга сафарбар этади. Она юрт шундай аҳиллик билангина обод бўлади, юксалади.

Олимнинг кейинги даврдаги илмий тадқиқот ва таълим тарбиявий фаолияти мустақиллик даври ва таълим соҳасидаги янгиланишлар билан боғлиқдир. Мустақиллик инсондан янгича амалий ҳаракатларни талаб қилади. Мустақилликнинг ўзликини англаш ҳиссиётини Эркин Бобомуродов кўтаринки руҳда қарши олди. Бу уни янгича ижодий ишларга руҳлантирди. Мустақиллик тарихий жараён си-

фатида мустабид тузум даврдан қолган тушунчаларнинг қобиғини кўпориб ташлади. Мантиқан фикрлаб яшап, онг ва тафаккурга давлат этади. Энг муҳими, Ўзбекистонда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Таълим тўғрисидаги Қонунда педагогик фаолият билан шуғулланиш юксак масъулиятли вазифа эканлиги таъкидланади. У мамлакат тараққиётининг стратегик мақсади-ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамияти яратишнинг асосий замини бўлиб қолмоқда. Мустақиллик туфайли фалсафа фани тамоман янгича фикрлаш, янги воқеалар ва жараёнларни холислик билан миллий истиқлол ғояси тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ёритишга ўтди. Куч ишлатиш, зўравонлик ва миллатга ёт бўлган инқилобий йўллар билан жамиятни ўзгартиришнинг истиқболи йўқлигини, тадрижий осойишталик билан, халқчил демократияга ўтиш усули билан жамиятни ўзгартириш мумкинлигини, дунёвий фалсафа фани, унинг қонуниятларини холисона ҳаққоний изоҳлаб ва илмий асослаб бериш файласуфларнинг олдида турган муҳим вазифа эканлигини олим доимо уқтириб келади.

Серқирра, фидокор олим Эркин Бобомуродов фаолиятининг асосий марказига истиқлол ғояларини ёшлар онгига сингдиришни кўяркан, «Жамиятнинг маънавий янгиланиши ва ёшлар ижтимоий психологиясининг ўзгариши» тўғрисидаги рисоласи (1994)да муҳим муаммони тадқиқ қилишни кўзлади ва ўзининг илмий ва амалий мулоҳазаларини берди. Маълумки, жамиятни демократлаштириш жараёни мамлакат аҳолиси, жумладан, ёшларнинг маънавий камолоти, ахлоқий етуклиги ва руҳий тайёргарлиги тарбияси билан узвий боғланган ҳодиса. Ҳозирги даврда бу масаланинг зарурлиги ва унинг моҳиятини очиб бериш муҳимдир. Олим мустақиллик-истиқлол маслагига хизмат қилишни ўз вазифаси деб билади, ўз касбига ўта масъулият билан қарайди.

Олим ҳозир ўнлаб шогирдлари билан биргаликда ишламоқда. Бугунги кунда улар орасидан фан номзодлари, доцентлар етишиб чиқиб, илмий-тадқиқот ишларини давом эттирмоқдалар. Эркин Бобомуродовнинг яна бир фазилати-жамоада дўстона аҳил бўлиб ишлаш, соғлом психологик муҳит яратишда кўринади.

Фалсафа фани фидойиси Эркин Бобомуродов талабаларга фалсафа ва Миллий истиқлол ғояси фани бўйича маърузалар ўқиб келмоқда. Маърузаларида талаба ёшлардан тарихни бошдан-оёқ миллий истиқлол ғояси руҳида фикрлаб, мушоҳада қилишга чақиради.

Файласуф тадқиқотчи ўзини жамият тақдирига қўшиб юбориши керак, ўзини бўлаётган жараёнлар, тарихий воқеалар жонли ҳаёт ичиди ҳис қилиши керак. Ана шунда ҳақиқий жамият фалсафаси ёзилади. Дарҳақиқат, фалсафа фани воқеалар ва ҳодисалар орқали, уларнинг келиб чиқиш шароити, сабаблари ва моҳияти хусусида фикр юритишни талаб қилади. Жамият тарихини баҳолашнинг энг мақбул йўли-унга ҳаёт ҳақиқати, инсон ва жамият ўртасидаги боғлиқлик, уйғунлик, кишилар ҳаётининг замирида ётган муносабатлар, қарама-қаршилиқлар, ички зиддиятлар ва манфаатларнинг таҳлил орқали баҳо берилса, илмий жиҳатдан ҳаққоний бўлади дея хулосалар қилади, олим.

Ҳар бир даврда жамиятни мустаҳкамлайдиган тизимлардан бири-таълим ва ташвиқотдир. Буни ҳаракатга келтирувчи куч-зиёлидир. Бунга унинг мантиқий нутқи, жозибатор сўзамоллиги ҳам муҳимдир. Бизнинг олимимиз ана шу соҳада-аудиторияда ҳам, омма орасида ҳам уларнинг ҳақиқий ва журъатли тарғиботчиси бўлиши учун ўз замонасининг илғор кишиси сифатида фаолият юритиб келмоқда. Олим ҳозирда юз бераётган ҳар қандай ҳаётбахш ўзгариш ва ислохотлар халқимизнинг онги ва қалбидан жой олсагина, амалда натижа беришлигини доимо таъкидлаб келади. Тарғиботчи мураббий ўз тингловчисида қизиқиш уйғотиш учун фалсафа фанининг жозибали таъсиридан унумли фойдаланишга, янги тарғиботда руҳий жўшқинлик билан воизлик қилишга интилади ва бу соҳада кўпларга намуна бўлмоқда. Маълумки, мураббийлар сабоғининг ҳаётдаги ўрни беқиёсдир. Талабнинг кучлилиги шогирдга ҳурматдир, дейди олим. Одамлар қалбини маънавий жиҳатдан озиклантирувчилардан бири мана шу мураббий тарбиячилар бўлади. Айниқса, ёшларни мудом огоҳлантириб, ҳаётий воқеаларга муносабатини онги, тафаккури орқали ва, энг муҳими, қалби орқали ўтказиш лозимдир, чунки одамлар оламни теран англаса, ўзлигини шунча тез билиб олади. Аслида, ёш қалба ва мурғак тафаккурда фалсафий ҳақиқат абадий қолсин учун уларни эзгуликка даъват этиш ва жамиятни ғоявий жиҳатдан янги-

лаш масаласи ўз ечимини топиши учун машаққатли меҳнат лозимлигини олим қайд қилади. Ҳеч қачон юқори мансаб учун интилмаган, ана шундай шарафли фаолиятдан завқ ола билиш олимга хос хислат эканлигини биз доимо сезиб турмоқдамиз ва у инсондан ибрат олиб ўрганмоқдамиз.

Ҳозирги тарбиячи мураббий ва тарбияланувчи ўртасида бўладиган ўзаро муносабат тамоман янги инсонпарварлик асосида қурилиши лозим. Тарбия-ўзига хос туғилишдир, деган эди Г.Лихтенберг. Ҳозирги талаб умуминсоний қадрият ва муносабатлар асосида бўлиши, яъни ўтмишдаги итоаткорлик ва диктаторлик ўрнига янгича муносабат, ўзаро дўстона меҳр-муҳаббат, садоқат, бир-бири билан ҳамкорлик қилиш асосида қурилиш ва олиб борилиши керак. Ўзаро муносабатда буйруқ бериш, уни кўр-кўрона бажариш эмас, у тамоман ўзгача инсоний муносабатлар, маърифатпарварлик негизида тапшиқ қилиниши лозим. Бу муаммоларни ҳам олим илмий асосда мушоҳада этади. Шу йўл билан барчани мураббийлик қилишга ўргатади, унинг воситаларини изчил равишда илмий баён этади ва ўз амалиётида қўллайди.

Муттасил мукамал изланишда бўлган педагог тарбиячи-олим айни пайтда кунт билан комил инсон шаклланишининг омиллари ва уни тарбиялаш усуллари, воситалари масалалари билан шуғулланиб, янги илмий асарини напрга тайёрлади. Маълумки, миллий истиқлол ғоясининг таркибий қисми ана шу масалани ўз ичига олади. «Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган долзарб вазифадир»- дейди И.А.Каримов. Бу кўрсатмани теран англаб етган фидойи, заҳматқаш олим халқимиз тезроқ ўзлигини англасин, чунки уйғоқ халқ яратувчанликка ва бунёдкорликка қодир, дейди. Ҳаётимиздаги жаҳолатнинг айрим кўринишлари бизга узоқ вақт мустамлака бўлиб яшаганимиздан қолган ғайриинсоний асоратдир. Мутелик, лоқайдлик ва манқуртлик сабабли шахс ижодкор бўла олмайди, тутқун бўлади. Бу маънавиятда ҳам яққол кўринади. Аслида, мустамлакачилар мафқурасининг қабоҳати жуда аянчли, яъни инсоннинг ижодий шахсий руҳини синдириш эди. Буни яхши англаган олим илмий асарида омма баркамолликка эришсагина, ўзининг инсоний хислатларини намоён этиб, эркин ва ўз шахсий борлигига эга бўлади, ўз Ватанида ўзини бегона ҳис қилмайди, дея хулоса

чиқаради. Улар ўз кучи, иродасини ўз юртининг равнақи учун ишга солади. Маънавий-руҳий ва жисмоний баркамоллик ҳақиқат мезони. Демак, маънавият иқтисодиёт билан жамият куч-қудратининг асосидадир. Олим таъкидлайдики, инсонлар комилликка интилса, ҳар хил номақбул хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олса, яратилган адолатли ҳуқуқий қонунларга ва ахлоқий меъёрларга асосланиб, амал қилган ҳолда яшашни ҳаёт тарзига айлантирса, жамиятнинг умумий маънавий қиёфаси, фаровонлиги ранг-баранг бўлади, деб таъкидлайди. Чунки оқилона мувозанатга олиб борувчи куч маънавият асосларидир, ҳаётимизнинг руҳий-маънавий нуридир. Ерга қуёш, қанчалик зарур бўлса, ҳаётга ҳам маънавият шунчалик зарурдир, дейди олим.

Олимнинг яхши бир хислати республикадаги ижтимоий олимларининг янги асарларини, журнал ҳамда вақтли матбуот саҳифаларини мудом кузатиб боради. Ижтимоий бўйича ижод қилади. Жек Лондоннинг «Ижод нашидаси-ер юзидаги энг олижаноб қувонч», – деган сўзлари олим ҳақида айтилгандек туюлади.

Эркин Бобомуродов талабаларнинг талабчан устози, дўсти, мураббийси, маслаҳатгўйидир. Маслаҳат сўраб келган кўпгина воҳаддошларига ўқиш ва таълим-тарбия борасида ёрдамларини аямайди. У софдил, ғамхўр, соддалиги билан бошқалардан ажралиб туради. Таъмагирлик, ҳасадгўйликдан батамом ҳоли. Олимнинг 6 нафар фарзанди бор. 9 нафар неваралари ҳам олим бағрида ўсмоқда. Умр йўлдоши Ойсулув Бобомуродова маданият ходими, ҳозир нафақада. 5 сингил, 9 укаси эл хизматида. Ширин-шакар фарзандларини тарбиялаётган келинлар ўзларини шу оиланинг қизларидай ҳис қилишади. Бу оила ҳамма учун, айниқса, тарбиячилар учун, ҳавас қилгудек ва ибрат олгудек фазилатларга бой оиладир. Олим саховатли, тўғри сўзли ва камтар жонкуяр олимларимиздан биридир. Талабаларнинг ҳам устозларига ўхшагиси келиб, ҳавас билан қарашлари устознинг камтарона инсоний фазилатларга бойлигидан. Салкам 40 йиллик илмий-ижодий ва тарбиявий ишларда бой тажрибага эга, ҳурматга лойиқ бўлган олим мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида самарали меҳнат қилмоқда.

Файласуф олим ўз олдида Ватанимиз ва миллатимиз равнақи учун жуда катта вазифалар турганини мудом ҳис этади. Тинмай ижод би-

лан шуғулланиб, изланиш кераклигини доимо таъкидлайди. Тарихий тараққиётнинг кўп жиҳатдан чалкаш ва зиддиятларга тўла жараёнида яна нималар содир бўлишини, қандай тарихий-ижтимоий муносабатлар, жонли ҳаётдаги сафарбарликлар вужудга келишини доимо мустақил ўрганишга даъват этади, тинмай меҳнат қилишга чақиради. Уни ҳозирги даврнинг ижтимоий масалалари ва муаммолари қизиқтиради. Ҳаётда ижтимоий муносабатларнинг қайси янги тоифаси, қандай ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаракатлар вужудга келади, унинг объектив ва субъектив сабаблари ҳақида фикрлашга ундайди. Муҳтарам юртбошимизнинг «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонининг қанчалик муҳимлиги, ҳар бир олим тадқиқотчи ўз вазифасини шу Фармон ижроси асосида илмий жиҳатдан англаши зарур эканлиги алоҳида баён қилинди. Бизда бугун изчил бунёдкорликни ривожлантириш, инсон салоҳиятини ўстириш зарур ва долзарб муаммоларни ечишда зиёлилар ўрни бениҳоя катта эканлигини олим шоғирдларига эслатади. Олим камтарлик билан: «албатта, ҳали фаолиятимда ўрганишим лозим бўлган жабҳалар талайгина», – дея такрор-такрор таъкидлайди.

Ҳурматли олимимизни 60 йиллик муборак тўйи билан қутлаймиз, бундан кейин ҳам фалсафа фани сирларини ўрганишда, энг муҳими, мамлакатимиз ривожига ва равнақи учун етук кадрлар тайёрлашда ҳормай-толмай ғайрат қилишини тилаб қоламиз.

ШОМАТ САМАДОВ

Фалсафа кафедраси мудири, профессор

НАСТАВНИК

В недавнем душевном разговоре с моим товарищем, он привел эпизод из своей молодости. Сорок лет назад, по окончании курсов строителей в Ташкенте, начальник стройуправления предложил ему место мастера и квартиру, но получил отрицательный ответ. «Я бы отказался и от гораздо более выгодных предложений – так тянуло в родной Джаркурган... И никогда о том не жалею».

Так произошло и с джарганским сельским парнем Эркином Бобомуратовым, выпускником Ташкентского педагогического института им. Низами. Изъяви он желание, то мог бы остаться в столице, однако Эркина тянуло в родной край. И он приступил к преподавательской работе в Термезском педагогическом институте.

Вчерашний выпускник – непосредственный, полный энергии и замыслов, свой среди студентов, он вскоре стал лидером молодежи вуза. А всего пять лет спустя под руководством профессора А. Агароняна подготовил и защитил диссертацию, стал кандидатом философских наук. Тема диссертации – «Формирование социальной психологии у сельской молодежи», написана на материале родного края.

Через четыре года стал доцентом. В ходе подготовки к защите докторской диссертации на глубоко запавшую в душу тему, он написал две монографии, три учебных пособия, опубликовал в периодической печати свыше ста тридцати научных статей. На Международных и Республиканских симпозиумах, конференциях, научно-теоретических семинарах делал интересные, а главное, полезные для педагогической практики доклады и сообщения.

Занимаясь проблемами духовного и нравственного совершенствования подрастающего поколения в независимом Узбекистане, ученый стремится как можно глубже изучить исторические процессы, обращаясь к великой духовной сокровищнице узбекского народа – богатому наследию предков. В своей работе Эркин Хаитович обращается и к трудам Президента страны Ислама Каримова, в которых огромное внимание уделяется проблемам молодежи, духовного возрождения нации. Мой коллега глубоко анализирует социально-философские проблемы духовного преобразования общества.

Профессор кафедры философии Термезского государственного университета Э. Бабамуратов уже много лет является деканом факуль-

тета повышения квалификации учителей, преподавателей академических лицеев и профессиональных колледжей при университете. Растит научные кадры, помогая и поддерживая молодых соискателей так же, как в свое время сам находил понимание и содействие у старших коллег.

«Домулло» – по-узбекски означает уважительное «учитель», «наставник». Из своих прожитых шестидесяти лет домулло Эркин Хаитович почти сорок отдал научной педагогике. Трое его детей, к слову сказать, пошли по стопам отца, дочь Шоира – кандидат филологических наук.

Уважаемый Эркин Хаитович!

Сердечно поздравляю Вас с юбилеем, желаю здоровья и больших творческих свершений.

ВАЛИЗОДА ДАРБАНДИЙ

Зав. кафедрой «Теория и практика строительства демократического общества в Узбекистане», доцент

Эркин Бобомуродов

Ҳ А Ё Т Й Ў Л И М

I. ДОВОНЛАР

1944 йилнинг баҳорида Жарқўрғонда таваллуд топдим. Бизнинг оила ҳозирги Қумқўрғон туманининг Ёнбош қишлоғида яшаган. Ўша қишлоқда киндик қоним тўкилган. Бобом (отанинг отаси) асли ўша ерлик. Табаррук Бобомурод бобомнинг қабри ҳам Боболочинда. Бобом Бобомурод оддий деҳқон, бақувват, меҳнаткаш инсон бўлган. Буни яхши билганим-кўпроқ бобом ва момом тарбиясида вояга етганим сабаб, бобом кундалик қилаётган меҳнатлари билан менинг кўз ўнгимда ибрат ва намуна бўлдилар. Меҳнатни қанчалик қадрлаш кераклигини ўшанда кўрганман. Бобом қизиққон, сахий инсон бўлган, бувим билан иккаласи мендан ҳеч нарсани аямаган. Айниқса, Султон момомнинг меҳрибончилиги, ардоқлари, парваришлари, оромидан кечиб, тунларни бедор ўтказганликлари ёдимда муҳрланиб қол-

ган. Вояга етишимда бувимнинг фидойилиги ва жуда катта хизматлари бўлганки, мен бу меҳрни, саховатни таърифлашга сўз топа олмайман. Ўзимни бу мўътабар инсон хотираси олдида умрбод қарздор деб биламан, руҳлари олдида бош эгаман.

Ёшлигим отамнинг яқинлари-Мулла Қарши амаким, унинг болалари Дониёр, Турди, Шаҳар аммаларим ва уларнинг яқинлари билан бир қишлоқда ўтган. Хўшман, Аҳмад, Эргаш, Зулфиқор ва уларнинг болалари, набиралари ҳам менинг яқин қариндошларимдир. Қишлоғимиз Жарқўрғоннинг Ўғригузар участкасида жойлашган эди. Булар билан биргаликда у қишлоқда қўнғирот уруғининг очамоиди қавми яшайди, улар бизнинг оилани ҳамма вақт эъзозлаб келишган, ўз ёрдамларини аямаган ва айниқса, менга ёрдам қўлини кўп чўзишган. Мен улардан ҳам миннатдорман. Кейинроқ Пахтабод участкасига кўчиб келганмиз.

Меҳрибон онамнинг яқинлари ҳақида сўзласам, Қувват бобом (онамнинг отаси) батамом ўзгача инсон эдилар, у киши нўғола бўлган, Эшонариққа Сурхондарёдан сув чиқарган, қадим Қумқўрғонда ўз даврининг оқу қорасини англаб етган бадавлат одамлардан бири бўлган. Султон момомни (онамнинг онаси) ҳам яхши эслайман. Шижоатли, ҳаракатчан, силамизнинг барча ташвиш ва муаммоларини ҳал этишда онамнинг энг катта кўмакдоши эдилар. Меҳрибон онам-Улдон момо Қувват бобомнинг севимли бош қизи бўлган. Онамнинг укалари тоғам Асатилла, онамнинг синглиси Ҳилол холам биз билан бирга яшаган. Тоғам Асатилла ўзига хос фазилатли ва ақлли инсон эди. Онамнинг тоғасининг ўғли Жаббор Чориев ўзига хос характерли киши эди. Термиз, Ангор, Денов район партия қўмиталарининг биринчи котиби лавозимида ишлаган, республикага танилган инсон эди. У кишининг укалари Раҳмон Чориев кўп йиллар С.Бойматов номли жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлаган, бўлам Қарши Холбоев умр бўйи ўқитувчи бўлиб ишлаган. Улар ҳозирги кунда меҳнат нафақасида, қарилик нашидасини суриб яшамоқда.

Мен учун буюк зотлар ота-оналарим ҳақида тўхталсам, отам Бобомуродов Ҳайит (1911-1971) мулоҳазали, фикрлари ўткир, эл хизматидаги обрўли, тўғрисўз барчага ўрнак бўлган табаррук зот эдилар. Меҳрибон онам Қувватова Улдон (1920-2004) чаққон, фикри тиниқ, таъсирчан, инсон қадр-қимматини ардоқловчи она эдилар. Сўзлаганларида халқ нақл ва ҳикматларини қўшиб гапирар ва мени

бу сержило сўзлари билан сеҳрлаб, фикрлашга ундаган эдилар. Хуллас, онам ўзига тўқ оиланинг тарбиясини олган.

Ота-онамизнинг ҳаёти оддийгина кечгани биз, болаларнинг хотирасида яхши сақланиб қолган. Биз 18 фарзандмиз: тўнғич ўғил-мен, укаларим Яраш, Эломон, Бўрон, Омон, Чори, Жуманазар, Қудрат, Бекмурод, Мамарайим, Абрай, Жўра, Алимардон, сингилларим-Нортош, Ойтош, Хумор, Ойлар, Иқлимлар табаррук отамдан қолган ёдгорлик ва менинг давлатим ана шу жигарларим бўлади.

Ёшлигим уруш ва урушдан кейинги йилларга тўғри келган. Отам уруш ортида қолиб, Қизил деҳқон хўжалигида деҳқон, ҳосилот, колхоз раиси даражасига етган ва ҳозирги С.Бойматов жамоа хўжалигининг ташкилотчиларидан бири бўлган. Шундай бўлишига қарамай, нон жуда азиз эди. Болалик даврим жуда мураккаб, оғир кечди. Лекин, нима бўлганда ҳам, бориға қаноат қилганмиз. Онамиз ўша кунлар оғир ўтганини, бошимизни силаб, ёруғ кунлар келишини кутиб яшаганини эслайман. Мўътабар зот-онамиздан ҳамиша миннатдор бўлишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Шукурки, бу ёруғ кунларга етиб келди ва эл қатори яшаяпмиз.

Ўша 12-13 ёшларимда хўжалик далаларида ишлаганим, қийналганим кўз ўнгимдадир.

Оиламиз турмуш тарзи 60-йилларга келиб анча яхшиланди. Мен Тошкент педагогика институти талабаси бўлдим. Талабалик ҳаётимнинг қувончли дамлари эди. Отам пул юбориб турар, стипендия ҳам олардим. Бу даврнинг ўз гашти-завқи бор. Ота-онамиз биз, болалари қалбига яхшилик уруғини сочганлар, намуна бўлганлар, борини аямаганлар, биз учун уларнинг меҳри қувват ва қанот эди.

Бешафқат ҳаёт мени яна бир бор синади. Институтни тамомлаб, Термиз давлат педагогика институтига ишга келганимда укаларимга тоғ бўлиб турган падари бузрукворим вафот этди.

Оилада биринчи фарзандни мустаҳкам оёққа турғаза билиш муҳим аҳамиятга эга, чунки у кейингиларга таянч бўлади. Буни ҳаётда ўз бошимдан кечирганман. Энди оилага оталик қилиш вазифаси мен билан онамнинг зиммасига тушди.

Иш фаолиятимни Термиз давлат педагогика институтида кабинет мудири, ўқитувчи, институт ёшлар ташкилотининг котиби бўлиб ишлаб, ўша давр ҳисоби билан 100 сўм атрофида ойлик оламан. Бу пуллар ўша кунларда онамнинг рўзғорни тебратишига мадад бўла-

ётганини сезсам-да, барибир, ҳаёт қийин кечганини яхши биламан.

1966 йилда оила қурдим-Ойсулвхонга уйландим. Бу даврда мен Тошкент давлат педагогика институти талабаси эдим. Битириб Термиз давлат педагогика институтида ишладим. Яна ўқиш орзуси уйғониб, Тошкентга бордим. Аспирантурага танлов асосида қабул қилиндим. Янги йўлим бошланди ва у ҳаётимнинг мазмунига айланди. Энди ўйласам, менинг бу журъатим ҳам ўзига яраша кичкина жасорат экан. Қумқўрғонда укаларим, онам, эл қатори яшашарди. Аспирантурада ўқиш бошланди. Уч йил деганда диссертацияни тамомлаб, илмий раҳбарим-профессор А.Агаронянга топширдим ва 1978 йилда фалсафа фанлари номзоди деган унвонга сазовор бўлдим.

Оғир кунлар орқада қолди. 1977 йилда Термиз педагогика институтида ишни давом эттирдим. Меҳнатим маҳсули-унвонлар, мукофотлар, иззат-эҳтиромни шу ердан топдим.

Термиз педагогика институтида бошланган ҳаёт, менинг шу даргоҳда эъзоз топишим, айниқса, онамнинг қувонганлари, барча оғаниларимнинг хурсандчилиги, хуллас, оиламиз билан яқин ўтмишдаги қийналганларимиз ҳиссаси роҳат бўлиб чиққанлигини эслаш ҳамиша руҳимни кўтаради.

Аслида, ҳаёт, унинг синовлари мени тарбиялаган. Истеъдодгина эмас, бахт, роҳат, бойликнинг ҳам негизи илм ҳунар эканлигига иқрор бўлдим. Чунки ҳар томонлама мукамал бўлиш учун илм ва ҳунар ўрганиш энг зарурий эҳтиёжлардан бири. Мўътабар сиймолар ва ҳунармандлар илм ва тажрибани эгаллаш учун бекорга заҳмат чекишмаган. Бу тажриба, албатта, ҳозирги ёшларга намуна-ўрнак бўлсин, бу уларга ўз ҳаёт йўлларини топишида восита бўлади. Чунки орамизда адашиб юрганлар ҳам бор. Аслида, инсонни билим ва фақатгина билим ҳур фикрли ва буюк қила олади. Илмдек умрбоқий ва азиз нарса топилмайди, чунки инсониятга олий неъматлар илм ва тажриба орқалигина берилади.

Ўқиш ва ўрганиш менга яна шуни англадики, унинг моҳиятида аслида бунёдкорлик етакчи ўринда туради, дунёнинг ободонлиги ва равнақи яратувчанликка боғлиқ. Фақат меҳнат ва ижод уммони тубида ғаввос каби машаққат чекиб, жавоҳир излайдиган заҳматкашларнинг умри боқий. Маданият ва маънавият бойликлари инсоннинг меҳнати ва ижоди билан дунёга келади. Ижодийлик-у жисмонан, ё ақланми, реал фаолият билан ғазабни-шижоатга, ёмонликни-яхши-

ликка айлантиради. Бу илмий ва амалий ҳақиқатдир. Бу улкан ва мураккаб оламдаги ўзгаришларни оддийгина қилиб баён этмоққа уринмоқдаман. Аслида унинг моҳиятида ҳар бир шахснинг ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, тарихий муҳит билан боғлиқ жиҳатлари борки, барча томонларини ўрганиш ва жамиятнинг маънавий янгилиниши илмий асослаш керак бўлади. Бу жараёни кўз олдингизда намоён этувчилар-ёшлар эканлигини тадқиқотчи сифатида ўргандим.

Бу борадаги мулоҳазаларим докторлик диссертациям мазмунини жамиятнинг маънавий янгилиниши ва Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий руҳиятининг ўзгариши муаммоларини ташкил этди. Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти олимлари билан биргаликда 70-йиллар бошидан ушбу муаммо билан мунтазам равишда пуғулла бошладим. Москва, Санкт-Петербург, Киев, Тошкент, Бухоро, Андижон ва Термиз шаҳарларидаги кутубхоналардан маълумотлар йиғдим.

Илмий муаммони ҳал этиш учун жуда катта иштиёқ талаб этилади. Олимлар билан доимий мулоқотлар, Тошкент ва Москва, Санкт-Петербург олимлари билан ишлаш, ҳар йилги ижодий сафарларда ўзларининг маслаҳат ва кўмакларини аямаган академиклар Ж.Т. Туленов, С.Ш.Шермухамедов, профессорлар М.Ҳ.Ҳасанов, М.А.Абдуллаев, А.Ч.Чориев, Н.М. Маматовлардан миннатдорман. Ижтимоий фаннинг ўзига хос мураккаб томонлари ҳам бор. Ўша даврда барча ижтимоийёт ходимлари, айниқса, фалсафанинг иши қийин, бунинг ўз объектив ва субъектив сабаблари бор эди. Фалсафада маънавий янгилиниш ва ёшлар муаммолари алоҳида мукамал масала бўлиб, тадқиқотчидан иқтидор ва дунёқараш бойлигини талаб этади. Илмий ҳақиқатни англаб етишда жуда катта тажриба зарур. Худди шунга тўлиқ эга бўлмаганимиз муаммоларимизни ҳал этишда қийинчиликлар туғдирган. Буни ўз тажрибамда яққол кўрдим.

Хуллас, бу шундай машаққатли меҳнатки, буни бошидан ўтказгангина билади. Қайта машинка, муҳаррирнинг талабчанлиги, энг оғир томони-тайёр бўлган асарингни китоб ҳолда чиқариш мушкуллиги. Бу орада иккита монография ва учта рисола, ўнлаб мақолалар эълон қилдим. Хуллас, докторлик диссертациясини ёқлаш салкам 20 йиллик умримни олган. Ниҳоят узоқ куттирган қувонч-1997 йили ишни муваффақиятли ёқладим. Бу пайт мустақиллик даврларига тўғри келганди.



Олимнинг отаси
Бобомурод ўғли Хайит
(1911-1971)



Олимнинг онаси
Қувват қизи Улдона
(1920-20004)



Олимнинг Термиз ДУ малака
ошириш факультетининг
деканлиги даври. 2002 йил 2
январь



Олимнинг турмуш ўртоғи
Сулув Бобомуродова



Олимнинг набиралари Акрам ва Акбар



Олимнинг қизлари



Оила аъзолари



Олимнинг оиласи Ойсулук опа набиралари билан.
2004 йил



Олимнинг онаси Қувватова Улдона қизлари ва ўғиллари даврасида.
2004 йил май ойи



Синглиси ва рафиқаси



Таниқли файласуф дўсти Абдураҳим Эркаев билан



Дўсти Жўра Шоймуродов билан



Олимнинг устози, тоғаси Жаббор Чориев



Абитуриентлик даври



Дўслари иқтидорли файласуфлар Иброҳим Хўжамуродов ва
Дўстмурод Норқуловлар билан малака ошириш масканида



Олимнинг аспирантлик йиллари. 1974 йил

II. МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИ

Мустақиллик-бу озодлик, демак, энг катта ғалабамиз. Мустақиллик йўли-ҳақиқат йўли, маънавий етуклик, сиёсий мустақиллик, юксак маданият, бой инсоний фазилатлар мажмуидир. Мустақиллик бутун бошли халқни узлуксиз мудроқликдан уйғотиб, қарашларимизни ўзгартириб юборгани каби, маънавиятимизга муносабатимизни ҳам ислоҳ қилди. Тарихимиздаги ҳаммага ҳам маълум бўлмаган бойликлар олиб чиқилмоқдаки, бундан халқимиз ўзининг буюклигини ва улугворлигини билмоқда. Миллий ғоя ва мафкура борасидаги, юртбошимиз раҳбарлигида қилинаётган ишлар жуда катта эътиборга молик фаолиятдир. Шониримиз Абдулла Орипов бу ўринда шундай фикр билдиради: «Бўйнида тилло занжир билан тилло товоқда овқат егандан кўра озод қуш бўлиб, озод инсон бўлиб ёвфон ичган минг марта афзал». Бу доно, мутафаккирона, заковат эгасининг сўзи. Аслида, бутунги озодлик, мустақиллик даврининг маъзани чақмоқ, мустақиллик маъносини янада теранроқ англашимиз лозимдир. Ақл-идрок кўзи ва тафаккур зиёси билан мушоҳада юритишимиз зарур.

Тарихимизга кўз ташласак, даврлар шамоли нималарни совурмади, умрлар кечди, авлодлар алмашинди. Тахтлар емирилди, улуг мухорабалар натижасида не-не шаҳарларнинг кули кўкка совирилди. Миноралар қулади, қабрлар текисланди. Бу каби бешафқат тақдир бўронидан, даврон қасирғаларидан фақатгина тафаккур меваларигина етиб келди. Фалсафа ҳам ўзига хос дорилфунундир. Шунинг учун барча ижодкорлар, оддий халқ ҳам фалсафага мурожаат қилади. Фалсафа бойликлари-умумники, чунки миллат ўз-ўзини танимоғидаги энг мунаввар кўзгу-унинг фалсафасидир. Фалсафа ҳаётнинг кулини эмас, ёниб турган оташин чўғини ўз саҳифаларида баён этади.

Шунинг учун ҳам халқлар фалсафаси тарихининг кўрки бўлган сиймолар, донишмандлар, қаҳрамонлар, мард инсонлар бизга тимсол ва намунадир. Чунки уларнинг сўнмас нури бор. Биз ўша сиймоларнинг руҳини фалсафа орқали кўрамиз, ўзимизни мукаммаллаштириб борамиз. Ўша нурлар билан бирлашамиз, бунёдкор, ижодкор бўламиз. Юртбошимизнинг фалсафага батамом янги муносабатни шакллантириш керак деганларида чуқур маъно ва моҳият бор. Ме-

нинг ҳаётимда бу улкан фаннинг таъсири катта. Зеро, фалсафа улкан методология. Фалсафада улугвор, ҳаётий, жонли нафас барқ уриб турадики, унда инсоннинг жонли қиёфаси гавдаланади.

Фалсафий тадқиқот услуби масалалари билан шуғулланар эканман, инсон қалби илм ва маърифат билангина нурли, бақувват бўлиши мумкинлигига иқрор бўлдим. Афсуски, биз кўпинча майда, арзимас нарсалар теварагида ўралашиб қолиб, энг олий ҳақиқатни, ижтимоий ҳаётнинг марзини чақолмай қоламиз, борлиқнинг олий ҳақиқатларини англашга эътиборсизлик, қолаверса, дангасалик қиламиз. Бу ҳатто ўқитувчилар, тадқиқотчилар, балким менга ҳам тааллуқлидир, деган ўйга бораман.

Менинг билим эгаллашимда таянч бўлган иккинчи ўйим-бу кутубхоналардир. Мутолаа, китоблар ҳамон менинг ҳамдамим, дўстларим. Инсонга илм эгаллашда ёрдам берадиган, ҳақиқат ва абадият сари олиб борадиган дарсхона-мактабдир. Фақат шуниси борки, у дарсхонани севганларга ёрдам беради, фақат уларни ўз бағрига олади, завқу шавққа тўлдиради. Китоб инсондан ҳеч нарса тиламайди, аммо инсонни камолга етказди, дейдилар. Ҳақиқатдан ҳам дунёнинг жами маънавий бойлиги қаерда десалар, кутубхоналарда дейман. Ана шу кутубхоналарда таниган ва яқин дардлашадиган дўстим бор. У асли қашқадарёлик бўлган файласуф олим Зиёдулла Давроновдир. Илмий дўстим-китоб бўлса, ҳаётдаги ҳақиқий дўстим ана шу инсон бўлади. У киши Тошкентда истиқомат қилади, борганимда кўришиб, дардлашиб турамиз, дил суҳбатларини аямайди. Мутолаа, билим олиш, дўстлар билан учрашишнинг ҳам катта завқи бор. Менинг яна бирга фикрлашадиган дўстларим бор. Улар қийналган даврларимда қўллаган Яхшибой Алимов ва Абдураҳим Эркаевлардир. Бу дўстларим билан ҳазил-мутойиба билан ўтган кунларни эслаб, завқу шавқ оламан, хурсандчилик кунларимни эсламан.

Менинг яна бир завқ оладиган асосий жойим-университет аудиториясидир. Маъруза қилиш, бор эгаллаган билимини талабаларга беришдан кўра яхшироқ завқни билмайман. Мен, бир оддий инсоннинг ундан ортиқ мартабаси бўлмаган, шу талабалар билан биргалликда аудиторияда шуғулланиб, завқ оларканман, бундан мамнунман. Чунки бу-менга ёқади. Бунинг учун ўз билимимни янада ошириш билан муттасил машғул бўлишим лозим.

Шубҳасиз, фалсафанинг ҳали очилмаган сирлари кўп. Уларни янада чуқурроқ эгаллашимиз керак. Фикримча, худди шуни кунт билан эгаллашда оқсаяпмиз. Айниқса, жаҳонда тараққий этган мамлакатларнинг тарихий тажрибасини ўрганиш ниҳоятда суғ ҳолатда олиб борилмоқда. Унинг сир-асрорини муфассал билмоқ керак. Уларни фақат ўқиб, билим оламиз, бошқа йўли йўқ. Аслида, мураббийлик бировга илмий ғояни сингдириш, бу ҳам ўзига хос бир санъат. Унга эришиш машаққатли масала. Фанни эгаллаш учун ҳам иқтидор, ҳам шижоат, ирода ва дунёқараш керак. Энг муҳими, ёшлар ҳаётининг асл мазмунини топа билиши, фикрий нотавонликдан қочиши лозим. Шунчаки ахборот бериш, баён қилиш орқали ифодалашга уриниш ҳаётийликдан йироқ демак асоссиздир.

Файласуф олим катта тарбия жараёни олдида ҳаминша қарздордир. Тарбиячи шахс миллатининг қалқонидир.

Тарбия борасида қўйилаётган вазифа ва фикрлар тамоман янги. Ижтимоий фан мустақилликнинг эҳтиёжига, талабига жавоб берсин. Замон талабларини ҳисобга олмаган тарзда режалаштирилган ҳаёт ҳам, фан ҳам ижодийликдан, меъёрийликдан жудо бўлади. Миллатнинг илмий салоҳияти кучсизланади. Ижтимоий соҳасидаги етук олим Муҳаммаджон Қуроновиқнинг фикрича: «Тарбия тарихининг романтик босқичи ўтди, технология босқичи бошланди. Ҳозир болаларга таъсир кўрсатаётган тарбиявий омиллар бундан ўн, ўттиз, юз йил олдингилардан мутлақо фарқ қилади. Йигирманчи асрда айтилган эртаклар, ривоятлар йигирма биринчи асрда ҳеч кимни ҳайратлантирмай қўйди. Агар биз ёшларимизда ватанпарварликни уларнинг кундалиқ ҳаётида кўришни истасак, бу ишга тамоман бошқача, насихат, ривоят билан эмас, «натижа учун эмас, жараён учун ишлаш», тамоман янгича принципиаллик зарур бўлади. Ижтимоийда эски тарбиявий усулнинг нуқсонларини англаб етиб, унга янги методологик асос жорий этилмоқда (Р.Поппер). Демак, тарбия жараёнининг методи, янги технологик таъсир воситалари тамоман ўзгариши керак ва бу амалиётда қўлланин. Ҳаётимизга янги билимлар доирасини олиб кириш зарур. Ҳар бир тарбия учун қилинадиган ишнинг функционал бажарадиган тадбири олдиндан моделлаштирилади, уни ўрганиш технологиясини яратиш керак бўлади. Фидокорлик ҳақида гапириш фидокорга ўргатиш билан алмашиши керак». («Илм, олим ва миллий тараққиёт». «Халқ сўзи», 5 июнь, 2000 йил).

Яна оилам ҳақида. Икки ўғлим-Улуғбек ва Отабек, тўрт қизим-Дилбар, Нодира, Шоира, Зулфия бор. Болаларимнинг онаси-Ойсулув Бобомуродова-маданият ходими, алоҳида қайд қилмоқ керакки, менинг муҳтарама онам-Улдона момо оилам билан бирга яшаган, ҳокисор, табиатан пок ва тоза инсон бўлиб, фарзандларимнинг баркамолликка етишувида ҳамиша бош-қош бўлган. Укам Қудрат Бобомуродов физика-математика фанлари номзоди, ажойиб инсон, оиламизнинг яқин кўмакдоши. Умр йўлдошим билан ҳаётнинг катта синовларини бошимиздан кечириб, қувонч ва ташвиш, ютуқ ва йўқотиш, интилишлар билан яшадик. Ирода ва асаблар минг хил чиғирқдан ўтди. Оила жамиятнинг дуру гавҳари дейдилар. Оила қонунларига буйсуниш, бирга ҳаёт кечирмоқ учун эр-хотиннинг орзу, интилишлари бир бўлмоғи керак.

Ўғилларим, қизларим ота изидан кетди. Катта ўғлим Улуғбек математика фани билан машғул. Кичик ўғлим Отабек Тошкент техника университети II курс магистранти. Катта қизим Дилбар ўқитувчи, Нодира ҳамшира ва биология ўқитувчиси, Шоира филология фани билан шуғулланиб, проф. Х.Холиёров раҳбарлигида номзодлик диссертациясини 2002 йилда ёқлади. Ўзбекистон Республикасида иқтидорли ўқитувчи-мультипликатор дипломига эга. Зулфия университетнинг Иқтисодиёт кафедрасида ишлайди. Келиним Баҳринисо-олий маълумотли ўқитувчи, мактабда дарс беради. 9 нафар бир-биридан ширин, суюкли невараларим бор.

Ҳаётим йўлларини ёзаётиб фалсафий фикрладим, кечган умрим биз яшаган замоннинг айрим тафсилотлари, йўллари билан ёшларга яқин тарихни билишида албатта фойдаси тегади, билими ва дунёқарашини баҳоли қудрат бойитади, ҳозирги мустақиллик, озод ва эркин ҳаётимизни мустаҳкамлашга даъват этади. Менинг бунга ишончим комил.